

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.04/30.12.2019.Tib.102.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**НАСИРОВА АЗИЗА АКБАРОВНА**

**БРОНХИАЛ АСТМА ВА ЎПКАНИНГ СУРУНҚАЛИ ОБСТРУКТИВ  
КАСАЛЛИКНИНГ КОМБИНАЦИЯСИДАГИ КЛИНИК ВА  
ИММУНОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.05 – Ички касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд - 2021**

УЎК: 616.233-002-036.12-053.2:612.017.1

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of the Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)**

**Насирова Азиза Акбаровна**

Бронхиал астма ва ўпканинг сурункали обструктив  
касалликнинг комбинациясидаги клиник ва  
иммунологик хусусиятлари..... 3

**Насирова Азиза Акбаровна**

Клинико-иммунологические особенности  
сочетания бронхиальной астмы и хронической  
обструктивной болезни легких..... 27

**Nasirova Aziza Akbarovna**

Clinical and immunological features of combination  
of bronchial asthma and chronic obstructive pulmonary  
disease..... 49

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 52

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.04/30.12.2019.Tib.102.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**НАСИРОВА АЗИЗА АКБАРОВНА**

**БРОНХИАЛ АСТМА ВА ЎПКАНИНГ СУРУНКАЛИ ОБСТРУКТИВ  
КАСАЛЛИКНИНГ КОМБИНАЦИЯСИДАГИ КЛИНИК ВА  
ИММУНОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.05 – Ички касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.3.PhD/Tib391 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.sammi.uz](http://www.sammi.uz)) ва «Ziyonet» ахборот-таълим портали ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Базарова Сайёра Абдубаситовна**  
тиббиёт фанлари доктори

**Расмий аппонентлар:** **Убайдуллаева Наима Набихановна**  
тиббиёт фанлари доктори

**Агабабян Ирина Рубеновна**  
тиббиёт фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:** **Абуали ибни Сино номли Тожикистон давлат тиббиёт университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат тиббиёт институти ҳузуридаги PhD.04/30.12.2019.Tib.102.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140100, Самарқанд шаҳар, Амир Темур кўчаси 18-уй. Тел/факс: (+99866) 233-30-34, e-mail: [ilmiyprorektori@sammi.uz](mailto:ilmiyprorektori@sammi.uz)).

Диссертация билан Самарқанд давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарқанд шаҳар, Амир Темур кўчаси 18-уй. Тел/факс: (+99866) 233-30-34.

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ кuni тарқатилди.  
(2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**А.М. Шамсиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Г.З. Шодикулова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, тиббиёт фанлари доктори

**Ж.О. Атакулов**

Илмий даражалар бериш бўйича илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт  
фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Хозирги кунда, айниқса пандемия даврида нафас тизими касалликлари нафақат тиббий, балки ижтимоий-иктисодий муаммолардан бири бўлиб, уларнинг кенг тарқалиши кузатилмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, «...бронхиал астма (БА) билан касалланганлар сони 300 миллион..., ўпканинг сурункали обструктив касаллиги (ЎСОК) умумий ўлим сабаблари орасида 4-ўринда туради...»<sup>1</sup>. Хозирги кунда БА ва ЎСОК нинг бирга кечганда касалликларнинг авж олишини секинлаштириш, патогенетик жиҳатларини ахамиятга олган ҳолда даво муолажаларини буюриш, бемор ҳаёт сифатини яхшилаш ва касаллик асоратларини олдини олишга эришиш долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда бронхиал астма ва ўпка сурункали обструктив касаллиги бирга кечишини ташхислаш муаммоси ҳозирги вақтгача тўлиқ ҳал қилинмаган бўлиб, касалликларнинг бошланғич даврларида эрта ташхислаш-нинг ўзига хос томонларини ва ривожланишининг фундаментал асосларини амалий жиҳатдан ўрганиш мақсадида қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада ўпка сурункали обструктив касаллигини даволаш ва олдини олиш тамойилларида патогенетик механизмларини таҳлил қилиш орқали БА ва ЎСОК да эндотелий ҳолатини, иммунологик статусни, нафас тизимининг функционал ҳолати ва ўпканинг функционал захирасини баҳолаш асосида касалликда эрта ривожланган нафас етишмовчилигини авжланишини олдини олишни асосий даво усулларини ишлаб чиқиш алоҳида ахамият касб этади.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, аҳоли орасида БА ва ЎСОК эрта ташхислаш ва олдини олишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. «...Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларни жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»<sup>2</sup> вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиқган ҳолда бронхиал астма ва ўпка сурункали обструктив касаллигининг биргаликда кечиши кузатилганда касаллик клиник шакллариининг ўзига хослигини аниқлаш, яллигланиш олди ва яллигланиш цитокинлари, эндотелиал функция кўрсаткичларини баҳолаш ва касалликнинг патогенезида муҳим ҳисобланган омиллар фаоллигини

---

<sup>1</sup> Åberg J., Hasselgren M., Montgomery S., Lisspers K., Stållberg B., Janson C., Sundh J. Sex-related differences in management of Swedish patients with a clinical diagnosis of chronic obstructive pulmonary disease. *Int J Chron Obstruct Pulmon Dis.* 2019;(14):961-969.

<sup>2</sup> О‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 йил 7 декабрдаги “О‘zbekiston Respublikasi sog‘liqni saqlash tizimini tubdan takomillashtirish bo‘yicha kompleks chora-tadbirlar to‘g‘risida” gi PF-5590-son Farmoni

пасайтиришга қаратилган самарали профилактик чора тадбирлар ишлаб чиқиш бўйича муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.** Бугунги кунда Жаҳон адабиётларида иккала нозологик шаклнинг характерли белгиларига эга бўлган беморларни учраши, ташхис қўйиш ва даволашда муайян қийинчиликларга олиб келади. GINA ва GOLD экспертлари ҳамда (Белевский А.С. 2014) ишчи гуруҳларининг қўшма ҳужжати материаллари асосида бронхиал астма (БА) ва ўпканинг сурункали обструктив касаллигининг (ЎСОК) дифференциал диагностика муаммоларини муҳокама қилишган. БА ва ЎСОК диагностик мезонларининг фарқлари ва дифференциал диагностикада "олтин стандарт" йўқлиги сабабли, битта беморда ушбу иккала касаллик комбинациясининг тарқалиши ҳақидаги маълумотлар жуда хилма-хил (Дьяченко Н. А. 2021). Ўпканинг сурункали обструктив касаллиги ва атопик бронхиал астманинг ўткир босқичида бўлган беморларнинг периферик қонда лимфоцитларининг сирт белгиларини ифодаловчи антигенлари CD3, CD4, CD8, CD16, CD20, CD23, CD25, CD54, CD71, CD72, HLA-DR, CD95 ва мембрана иммуноглобулинлари mIgM ва mIgG ўрганилди. Ушбу касалликларда лимфоцитларнинг сирт фенотипларида фарқли ўзгаришлар мавжуд (Шуганов А.Е., Палеев Ф.Н. ва бшк. 2015).

2014 йилда GINA ва GOLD экспертлари томонидан янги атама - ACOS (инглиз тилидан Asthma-COPD Overlap Syndrome – бронхиал астма ва ЎСОКнинг бир-бирини кесиб ўтиш синдроми) тайинланди. GINA ва GOLD илмий қўмиталари адабиётларни шарҳлаши ва экспертлар келишувига асосланиб, бронхиал астма билан ЎСОК кесишиш синдромини белгилайдиган. БА, ЎСОК ва бронхиал астма билан ЎСОК кесишиш синдроми диагностикаси мезонларини ишлаб чиқадиган "Сурункали ҳаво оқимининг чекланиши бўлган касалликлар диагностикаси: БА, ЎСОК ва бронхиал астма билан ЎСОК кесишиш синдроми ҳужжатини ишлаб чиқдилар ва беморларни бошқариш тактикасига ёндашувларни акс

эттирдилар (Дьяченко Н. А. 2021, Фалетрова С.В., Коршунова Л.В. 2017, Зыков К.А. 2018, Белевский А.С.2014).

Сўнги йилларда Ўзбекистоннинг пульмонология соҳасидаги етакчи муттахасислари томонидан ўтказилган изланишлар Убайдуллаев А.М. 1974, Аралов Н.Р.2005. Ливерко И.В. 2007, Зиядуллаев Ш.Х.2014, ва бошқаларнинг бу борадаги тадқиқотлари диққатга сазовордир, бироқ БА, ЎСОК ва бронхиал астма билан ЎСОК кесишиш синдроми диагностикаси мезонларини, клиник-лаборатор жиҳатларининг таҳлилига қаратилган илмий тадқиқотлар кам ўтказилган.

Бугунги кунда, кўплаб тадқиқотлар бронхиал астма билан ЎСОК кесишиш синдромини ЎСОК фенотипи сифатида белгилайди. ЎСОК билан оғриган беморларда ҳаво йўли қайтарилувчанлигининг кўзиши бронхиал астма билан ЎСОК кесишиш синдроми билан касалланган беморларнинг асосий дифференциал жиҳатларидан бири ҳисобланади, аммо фақат шу аломат ҳисобга олинса, чалғиш мумкин.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт институти илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №012000260 «Юқумли ва юқумли бўлмаган ижтимоий аҳамиятга эга бўлган инсон организми касалликларининг олдини олиш, ташҳис қўйиш ва даволаш бўйича илғор технологияларни ишлаб чиқиш» мавзусидаги илмий лойиҳаси доирасида бажарилган (2017-2020 йй.)

**Тадқиқотнинг мақсади** бронхиал астма, ўпканинг сурункали обструктив касаллиги ва уларнинг биргаликда кечишининг клиник-лаборатор, иммунологик ва функционал кўрсаткичларини эътиборга олган ҳолда эрта ва дифференциал ташхислаш самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

бронхиал астма, ўпканинг сурункали обструктив касаллиги ва уларнинг биргаликда кечиши билан оғриган беморларда махсус сўровномалар ёрдамида ҳаёт сифатини баҳолаш;

IL-4, IL-8, IgE ва TNF-а цитокинларининг бронхиал астма, ўпканинг сурункали обструктив касаллиги ва уларнинг биргаликда кечишида аҳамиятини асослаш;

бронхиал астма, ўпканинг сурункали обструктив касаллиги ва уларнинг биргаликда кечиши билан бўлган беморларда эндотелиал дисфункцияни шакллантиришда азот оксиди метаболитларининг аҳамиятини баҳолаш;

БА, ЎСОК ва уларнинг биргаликда кечишида беморларда ажралган балғамнинг ҳолати солиштирма таҳлил қилиш;

бронхиал астма, ўпканинг сурункали обструктив касаллиги ва уларнинг биргаликда кечишида беморларда ташқи нафас олиш функциясининг ҳолатини ўрганиш учун вентилицион бузилишлар (обструктив) даражасини аниқлаш;

бронхиал астма, ўпканинг сурункали обструктив касаллиги ва уларнинг биргаликда кечишининг клиник-лаборатор, иммунологик ва функционал кўрсаткичларини эътиборга олган ҳолда эрта ва дифференциал ташхислаш самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси пульмонология ва аллергология бўлимида 2017-2020 йилларда бронхиал астма ва сурункали ўпка обструктив касаллиги ташхиси билан даволанган жами 101 нафар беморлар ҳамда назорат гуруҳ 20 нафар нисбатан соғлом кишилар танлаб олинди.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида БА ва ЎСОК билан огриган беморларнинг иммунологик статусини, эндотелиал ҳалотини баҳолаш учун веноз қони ва қон зардобини, балғам ва чиқарилган нафас конденсати олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда биокимёвий (NO ва унинг метаболитлари), иммунологик (IL-4, IL-8, TNF- $\alpha$ ) ва инструментал тадқиқотлар (пикфлоуметрия, спирометрия, пульсоксиметрия) ва статистик усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор бронхиал астма ва ўпканинг сурункали обструктив касаллиги биргаликдаги кечишида аллергик ва яллиғланиш жараёнлари сабабли клиник шакллари оғир кечиши каби ўзига хослиги ва тизимли яллиғланиш кўрсаткичларини 2,4 марта юқори бўлиши асосланган;

ўпканинг сурункали обструктив касалиги ва бронхиал астманинг биргаликдаги клиник кечишининг дастлабки босқичларида IL-4, IL-8, TNF- $\alpha$  цитокинларини қонда ва чиқарилган нафас конденсатида меъеридан ошиши касалликни эрта ва дифференциал ташхислашдаги прогностик маркери каби муҳим ўрни очиб берилган;

бронхиал астма ва ўпканинг сурункали обструктив касаллиги биргаликда кечишида тизимли яллиғланиш сабабли эндотелиал функция кўрсаткичларини NO<sub>2</sub>/NO<sub>3</sub> касалликнинг клиник кечиши ва оғирлик даражаси билан тўғри кучли боғлиқлиги ( $r=0,88$ ) аниқланган;

илк бор бронхиал астма, ўпканинг сурункали обструктив касаллиги ва уларнинг биргаликда кечишида комплекс ташхисот усуллари иммунологик (IL-4, IL-8, TNF- $\alpha$ , IgE) ҳамда азот оксиди метаболити кўрсаткичларини баҳолаш асосида эрта ташхислаш, даволаш ва профилактик чора тадбирлари алгоритми такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

бронхиал астма ва ўпканинг обструктив касаллиги ҳамда уларнинг биргаликда кечишини дифференциал ташхислаш учун қонда ва чиқарилган нафас конденсатида IL-4 IL-8 TNF- $\alpha$  иммунологик маркерларни аниқлаш тавсия этилган;

беморни текширишнинг дастлабки босқичида тизимли яллиғланиш ва иммунитетни барқарорлаштириш синдромлари комбинациясини ҳисобга олган ҳолда, касалликнинг кечишининг оғирлик даражасини олдиндан башорат қилиш усули сифатида тавсия этилган;

бронхиал астма, ўпканинг сурункали обструктив касаллиги ва уларнинг



комбинацияда касалликнинг коморбид кечишида эрта ва дифференциал ташхислаш алгоритми ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** назарий ёндашувлар ва усулларни тадқиқотда қўллашнинг тугрилиги, текширувларнинг аниқлиги, бронхиал астма, ўпканинг сурункали обструктив касаллиги ва уларнинг биргаликда кечиши билан касалланган беморларнинг етарли танлов хажми, клиник, биокимёвий, иммунологик, инструментал маълумотлардан олинган ракамли маълумотларга асосланган замонавий статистик усуллардан фойдаланиш, халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар, шунингдек назарий ва амалий тадқиқотларнинг етарлилиги ва амалий бажарилишидан олинган натижалар билан таққослаш ва оқилона баҳолаш орқали асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти яллиғланиш синдромининг лаборатор манзараси асосида ётган умумийлик даражаси ва хусусиятларини баҳолаш, бронхиал астма, ўпканинг сурункали обструктив касаллигида ва уларнинг биргаликда кечишида эндотелиал ва иммун тизим кўрсаткичлари эрта ривожланишида дифференциал ташхислаш ва ушбу касалликларнинг олдини олиш усулларини такомиллаштириши билан изохланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти бронхиал астма, ўпканинг сурункали обструктив касаллиги ва уларнинг биргаликда кечишида иммунологик ва эндотелиал функция мезонларини аниқлаш, диагностик ва прогностик аҳамиятини тизимлаштириш беморлар ҳаёт сифатини яхшилашга асосланиб, эрта ва дифференциал ташхислаш алгоритмини қўллаш билан изохланади.

**Тадқиқот натижаларинининг жорий килиниши.** Бронхиал астма, ўпканинг сурункали обструктив касаллигининг клиник, лаборатор, иммунологик хусусиятларини ва уларнинг коморбидлигини аниқлаш учун олинган натижалар асосида:

бронхиал астма, ўпканинг сурункали обструктив касаллиги ва уларнинг биргаликда кечишини эрта ва дифференциал ташхислашни муқобиллаштириш буйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган "Бронхообструктив касалликларни дифференциал диагностикаси алгоритми: ўпканинг сурункали обструктив касаллиги ва бронхиал астма" услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 21 майдаги 8 н-р/404-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома ички касалликлар амалиётида бронхиал астма, ўпканинг сурункали обструктив касаллиги ва уларнинг биргаликда кечишида касалликни эрта ташхислаш имконини берган;

бронхиал астма, ўпканинг сурункали обструктив касаллиги ва уларнинг биргаликда кечишида иммунологик тизимини дори воситалари ёрдамида иммунокоррекциялаш буйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган "Бронхиал астма билан боғлиқ бўлган ўпканинг сурункали обструктив касаллигининг иммунодиагностикаси ва иммунокоррекцияси" услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 21 июн 8 н-р/552сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома

ички касалликлар амалиётида бронхиал астма, ўпканинг сурункали обструктив касаллиги ва уларнинг биргаликда кечишида иммунологик тизимдаги узгаришларни бартараф этиш имконини берган;

бронхиал астма, ЎСОК ва уларнинг биргаликдаги кечишида беморларнинг ҳаёт сифатини эрта дифференциал ташхислаш орқали олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, шу жумладан Иштихон, Пайариқ ва Ургут туман тиббиёт бирлашмаларининг амалиётига тадбик этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 2 июлдаги 8- н-з/220 сонли маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши БА, УСОК ва уларнинг биргаликдаги кечишини эрта ташхислаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий анжуманларида, улардан 2 таси халқаро, 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларинининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини нашр этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 макола, жумладан, 4 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг таркиби ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан таркиб топган. Диссертациянинг ҳажми 126 саҳифадан иборат.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республика фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиш бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **"БА ва ЎСОК ривожланиш механизмларида замонавий қарашлар"** деб номланган биринчи бобида ЎСОК ва БАда лимфоцитларнинг сирт фенотипининг аҳамияти тўғрисида маълумот берувчи тўртта кичик бўлимдан иборат бўлиб, бу адабиётлар шарҳи, бронхиал астма ва ЎСОК кесишиш синдромининг диагностик мезонлари (Asthma-COPD Overlap Syndrome), шунингдек бронхиал астма ва ЎСОК комбинациясини даволашнинг замонавий усуллари берилган.

**"БА, ЎСОК ва уларнинг биргаликда кечиши билан касалланган беморларни дифференциал диагностикаси мезонлари, шунингдек уларни тадқиқ қилиш усуллари"** деб номланган диссертациясининг иккинчи бобида текширувдан ўтган беморларнинг умумий хусусиятлари

тўғрисидаги маълумотлар клиник, лаборатория ва функционал тадқиқот усулларининг техникасини батафсил тавсифи келтирилган.

Тадқиқотда БА, ЎСОК ва уларнинг биргаликда кечиши билан касалланган 104 бемор иштирок этди. Ушбу беморларга (АСТ(астма-контрол тест), САТ (COPD Assessment Test)) тестлар, биокимёвий, иммунологик (IL-4, IL-8, TNF- $\alpha$ ) ва инструментал тадқиқотлар (пикфлоуметрия, спирометрия, пульсоксиметрия) ўтказилди. БА беморларининг ўртача ёши  $47,14 \pm 9,4$ ; ЎСОК билан  $-61,43 \pm 12,2$ ; БА+ЎСОК билан  $-64,93 \pm 12,2$  ёшга тенг.

Кузатиш даври 3 ойни ташкил этди. БА, ЎСОК ва уларнинг биргаликда кечишида барча клиник, функционал, лаборатория ва иммунологик маълумотлар ўртасида қиёсий жиҳатдан баҳоланди. БА, ЎСОК ва БА+ЎСОК билан оғриган беморларда бронхиал астма назорати даражасини баҳолаш учун АСТ тести қўлланилди ва ЎСОК ва уларнинг биргаликда кечиши билан касалланган беморларда ҳаёт сифатини аниқлаш учун САТ тести ўтказилди.

БА, ЎСОК ва уларнинг биргаликда кечиши билан бўлган беморларда кўзғалиш ва ремиссия босқичда иммунитет ҳолатининг аҳамиятини, қонда ва чиқарилаётган нафас конденсатида яллиғланишга хос (TNF $\alpha$ , IL-8), яллиғланишга қарши (IL-4) ситокинлар ва иммуноглобулин (IgE) индексларини ўрганиш қаттиқ фазали иммунофермент таҳлили (ELISA) орқали амалга оширилди.

Тадқиқотнинг бевосита натижалари клиник муваффақиятни баҳолаш орқали таҳлил қилинди. Касалликнинг оғирлик даражаси ва натижаси моделларини тузишда моделнинг параметрлари бўйича энг кичик квадратчалар усули уларнинг t -мезонига мувофиқ  $p < 0,05$  даражасидан паст бўлмаганлиги шarti билан қўлланилди. Маълумотларни сақлаш ва дастлабки ишлов бериш Statistica 10 дастури ёрдамида Microsoft Excel 2010 маълумотлар базасида амалга оширилди. Маълумотлар куйидаги шаклда ифодаланган: ўртача қиймат (M)  $\pm$  стандарт силжиш (m). Тақсимот турига қараб узлуксиз қийматлар ўртасидаги фарқнинг статистик аҳамиятини аниқлаш учун Манн-Уитни мезонининг Стьюдент (норматив тақсимот) ва Колмогоров-Смирнов, (норматив бўлмаган тақсимот) U -мезони ишлатилган.

**Диссертациянинг "ЎСОК, БА билан оғриган беморларда ва уларнинг биргаликда кечиши билан бўлган беморларда қон ва чиқилган нафас конденсатида баъзи цитокинлар ва иммуноглобулин E нинг таҳлили ва ҳаёт сифатининг хусусияти"** деб номланган учинчи бобида клиник, биокимёвий, иммунологик, ушбу ҳолатларнинг кечиш хусусиятлари, текширилаётган беморларда коморбидлик омилларини аниқланганлиги батафсил баён этилди. Муаллиф томонидан ЎСОК, БА ва уларнинг биргаликда кечиши билан оғриган беморларнинг САТ сўровномаси бўйича ҳаёт сифати кўрсаткичлари ўрганиб чиқилди ва касалликни комбинацияланган кечиши билан бўлган беморлар ҳаёт сифатининг кўрсаткичлари, алоҳида патологияга эга бўлган беморларга нисбатан пасайганлиги аниқланди.

Шунингдек, АСТ тести бўйича бронхиал астма хуружларини ўз-ўзини бошқариш ҳолатини ўрганаётганда комбинацияланган патологияси бўлган

беморларда (БА+ЎСОК) бронхиал астма хуружлари устидан назорат етишмаслиги билан боғлиқ ҳолатлар кўп бўлганлиги аниқланди, бу эса комбинацияланган патологияси бўлган беморларни даволашда беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш учун янада батафсил диагностика ва даволашни амалга ошириш зарурлигини англатади. Тизимли хусусиятга эга бўлган лаборатория синдромлари аниқланди. БА ва ЎСОКда тизимли яллиғланиш лаборатория синдроми лейкоцитоз, тезлашган ЭЧТ билан ифодаланади.

Тадқиқот давомида ЎСОК, БА ва уларнинг биргаликда кечиши билан касалланган беморларнинг ҳаёт сифат кўрсаткичлари ўрганилди, бу ерда комбинацияланган кечиши билан бўлган беморлар ҳаёт сифатининг кўрсаткичлари, алоҳида патологияга эга бўлган беморларга нисбатан пасайганлиги аниқланди. Бундан ташқари, бронхиал астма хуружларини ўз-ўзини бошқариш ҳолатини ўрганаётганда, худди шундай манзара аниқланди, яъни патологияси комбинацияда бўлган беморларда (БА+ЎСОК) БА хуружлари устидан назорат етишмаслиги билан боғлиқ ҳолатлар кўп бўлганлиги аниқланди, бу эса комбинацияланган патология билан бўлган беморларни даволашда беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш учун янада батафсил диагностика ва даволашни амалга ошириш зарурлигини англатади.

**"Касалликнинг кўзғалиш босқичида бўлган бронхиал астма, ўпканинг сурункали обструктив касаллиги ва уларнинг биргаликда кечиши билан бўлган беморлар қонида ва чиқарилган нафас конденсатида цитокинлар ва иммуноглобулин Е нинг таҳлили"** деб номланган кичик иккинчи бобда яллиғланишга хос ва яллиғланишга қарши цитокинлар, ҳамда иммуноглобулин Е кўрсаткичларининг бронхиал астма, ЎСОК ва уларнинг комбинацияси билан бўлган беморларда касалликни кўзғалиш босқичида қиёсий характеристикаси берилган.

Сурункали касалликларда нафас йўллариининг яллиғланиш патогенезида организмнинг иммун реактивлиги ҳолати катта аҳамиятга эга. Нафас олиш йўллариининг яллиғланиши цитокинлар ва бошқа иммунокомпетент хужайралар ёрдамида амалга ошириладиган БА, ЎСОКнинг асосий патогенетик боғланишларидан биридир. Шу муносабат билан биз БА, ЎСОК ва уларнинг комбинацияси билан бўлган беморларда касалликнинг кўзиш босқичида қонда ва чиқарилган нафас конденсатида (ЧНК) яллиғланишга хос ( $\text{TNF}\alpha$ , IL-8) ва яллиғланишга қарши (IL-4) цитокинлар ва иммуноглобулин (IgE) индексларини ўргандик (1-жадвал)

Қонда ва ЧНКда интерлейкин - 8 (IL-8) таққосланадиган 3 та гуруҳ орасида кўрсаткичлар таққослаганда касалликнинг кўзиш даврида бўлган ЎСОК ва БА билан оғриган беморлар орасида ( $P < 0,05$ ), улардан фарқли ўлароқ БА ва ЎСОК биргаликда кечиши бўлган беморларда статистик жиҳатдан юқори даражада бўлди ( $P < 0,001$ ) (1.2-расм). БА ва ЎСОКнинг биргаликда кечиши ва БА ни таққослаганда, БА билан бўлган беморлар орасида юқори IL -8 кўрсаткичи аниқланди; бу кўрсаткич қонда статистик жиҳатдан аҳамиятли ( $P < 0,05$ ) ва ЧНКда IL-8ни ўрганишда статистик жиҳатдан аҳамиятсиз юқори бўлди ( $P < 0,02$ ).

БА, ЎСОК ва уларнинг биргаликда кечишининг кўзиш босқичда бўлган беморларда қонда ва ЧНКда цитокинлар ва иммуноглобулин Е кўрсаткичлари


Кўрсаткичлар	БА (n=36)	ЎСОК (n=36)	БА+ ЎСОК (n=32)	P <sub>1</sub>	P <sub>2</sub>	P <sub>3</sub>
Қонда IL -4 (пг/мл)	69,1±4,1	31,5±1,8	42,1±2,4	<0,001	<0,001	<0,001
IL -4 ЧНКда пг/мл	4,0±0,2	2,5±0,1	3,5±0,2	<0,001	>0,1	<0,001
Қонда IL-8 (пг/мл)	60,8±3,8	72,5±4,7	60,8±12,2	<0,05	<0,5	<0,001
IL -8 ЧНКда (пг/мл)	62,1±3,5	74,2±4,8	52,2±2,5	<0,05	<0,02	<0,001
Қонда TNF-a (пг/мл)	19,2±1,1	10,4±0,7	31,2±1,7	<0,001	<0,001	<0,001
TNF-a ЧНКда (пг/мл)	2,6±0,1	2,5±0,1	3,1±0,2	>0,5	<0,02	<0,01
Қонда умумий IgE (МЕ/мл)	285,2±17,2	89,5±5,2	212,2±12,4	<0,001	<0,001	<0,001

**Изох:** P<sub>1</sub> - БА ва ЎСОК билан оғриган беморлар гуруҳлари ўртасидаги кўрсаткичлар фарқларининг ишончлилиги, P<sub>2</sub>-БА ва БА+ЎСОК билан бўлган беморлар гуруҳлари, ва P<sub>3</sub>-ЎСОК ва БА+ЎСОК билан оғриган беморлар гуруҳлари.

Интерлейкин - 4 (IL-4) ни ўрганишда бироз бошқача манзара аниқланди. БА ва БА+ЎСОК билан оғриган беморларда қонда ҳам, ЧНКда ҳам ЎСОК билан бўлган беморлардан фарқли ўлароқ (P<0,001) статистик жиҳатдан юқори маълумотларга эга эди. БА ва БА+ЎСОК билан оғриган беморлар қонида ва ЧНКда яллиғланишга қарши интерлейкин-4 ни коморбид патологияси бўлган беморлар билан таққослаганда уларда юқори даражаси аниқланди (P<0,001). Шундай қилиб, ўткир босқичда коморбид патологияси бўлган беморлар, БА ва ЎСОК касалликларидан фарқли ўлароқ, статистик жиҳатдан юқори кўрсаткичларга эга.


БА ва ЎСОК касалликларида цитокинлар даражасини ўрганаётганда (1-расм) ўзгаришларнинг деярли бир томонлама табиати аниқланди. БА беморларида IL-4 ишлаб чиқариш даражаси қонда ҳам сезиларли даражада ошди - 69,1±4,1 пг/мл, ва чиқаралидиган нафас конденсатида - 4,0±0,2 пг/мл, ЎСОК билан солиштирганда 31,5±1,8 пг/мл ва 2,5±0,1 га нисбатан пг/мл, унда сезиларли фарқлар аниқланди (P>0,001).

БА ва ЎСОК биргаликда кечиши касаллиги билан бўлган беморлар қон зардобидаги IL-4 нинг қиёсий баҳолашда цитокин ишлаб чиқаришнинг (69,1±4,1 пг/мл) ЎСОК касаллиги (31,5±1,8 пг/мл) билан таққослаганда статистик жиҳатдан юқори даражасини (P<0,001) кўрсатди.



**Расм 1.** БА, ЎСОК ва БА+ЎСОК касалликларининг қўзиш босқичида ИЛ-4 ишлаб чиқариш даражаси.

ИЛ-8 ишлаб чиқаришни о'рганаётганда, БА билан оғриган беморларда ЎСОК билан бўлган беморлар гуруҳига нисбатан статистик жиҳатдан сезиларли фарқ қайд этилди (2-расм). ИЛ-8 - фаоллашишуви асосан токсик ва бактериал патогенларга жавобан гранулотситлар, биринчи навбатда нейтрофиллар билан боғлиқ бўлган маҳсулот ҳисобланади.




**Расм 2.** БА, ЎСОК ва БА+ЎСОК касалликларининг қўзиш босқичида ИЛ-8 ишлаб чиқариш даражаси.

Маълумки, ИЛ-8 нейтрофиллар томонидан ишлаб чиқарилади ва ЎСОК билан касалланган беморларда уни ишлаб чиқаришнинг устунлиги нафас йўлларида нейтрофилли яллиғланишни сақлашга ёрдам беради. Ушбу хулосанинг тасдиғи бўлиб, ЎСОК билан касалланган гуруҳидаги беморлар

қонида ва чиқариладиган нафас конденсатида цитокин IL-8 ишлаб чиқариш даражасини таққослаш натижаси бўлиб ( $72,5 \pm 4,7$  пг/мл ва  $74,2 \pm 4,8$  пг/мл) ва бу кўрсаткичлар БА+ЎСОК ( $52,2 \pm 2,5$  пг/мл ва  $31,2 \pm 1,7$  пг/мл) юқори даражада эканлиги муҳим аҳамиятга эга ( $P < 0,001$ ).


Шундай қилиб, БА+ЎСОКда нафас йўллариининг яллиғланишининг иммунопатогенезида цитокинлар муҳим аҳамиятга эга, бунда нафас йўллари яллиғланишининг нейтрофилли тури устун туради, бу IL-8 ишлаб чиқаришнинг кўпайиши билан намоён бўлади ва нафас йўллариининг юқумли, нейтрофилли тури яллиғланишининг давомийлигини сақлайди.

Қонда TNF- $\alpha$  индексини ўрганиш БА билан бўлган беморлари орасида  $19,2 \pm 1,1$  пг/мл, ЎСОКдан фарқли ўлароқ сезиларли даражада юқори эканлиги аниқланди ( $P < 0,001$ ) (3-расм). ЎСОК ва БА+ЎСОК ни таққослаганда қонда ҳам ( $P < 0,001$ ) ва ЧНКда ( $P < 0,01$ ) коморбид кечиши билан бўлган беморлар орасида статистик жиҳатдан юқори кўрсаткичлар аниқланди (3-расм). БА ва БА+ЎСОК касалликларини таққослаганда қондаги TNF- $\alpha$  кўрсаткичлари коморбид патологияси билан бўлган беморлар орасида юқори бўлиб, мос равишда  $19,2 \pm 1,1$ ;  $31,2 \pm 1,7$  ( $P < 0,001$ ) тенг.



**Расм 3.** БА, ЎСОК ва БА+ЎСОК касалликларининг кўзиш босқичда TNF- $\alpha$  даражаси.

Иммуноглобулин E кўрсаткичларини 3 ла гуруҳда солиштириб кўрганда (4-расм) касалликнинг кўзиш босқичида бўлган БА билан беморлар қонида, ЎСОК ва БА+ЎСОК билан бўлган беморларга қараганда сезиларли даражада юқори эканлиги аниқланди, ЎСОК билан бўлган беморлар ва БА+ЎСОК да эса ўрганилган адабиёт манбаларига мос келадиган комбинациялашган патологияга эга беморлар орасида юқори кўрсаткичлар аниқланди ( $P < 0,001$ ) (4-расм).



**Расм 4.** БА, ЎСОК ва БА+ЎСОК касалликларининг кўзиш боскичида иммуноглобулин Е нинг даражаси.

Шундай қилиб, юқорида айтиб ўтилган гуруҳлар (БА, ЎСОК ва БА+ЎСОК) орасида иммунологик параметрларни ўрганиш жараёнида иммуноглобулин Е нинг сезиларли даражада ошиши аниқланди ва комбинациялашган патологияга эга бўлган беморларда ўсимта некрози TNF- $\alpha$  даражаси устунлик қилди.

Диссертациянинг **"Касалликни ремиссия даврида қонда ва ЧНК цитокинлар ва иммуноглобулин Е ни бронхиал астма, ўпканинг сурункали обструктив касаллиги ва уларнинг биргаликда кечиши билан бўлган беморларда таҳлил қилиш"**, деб номланган учинчи кичик бобда БА, ЎСОК ва уларнинг комбинацияси билан оғриган беморларда яллиғланишга хос ва яллиғланишга қарши цитокинлар кўрсаткичлари, шунингдек иммуноглобулин Е нинг қиёсий характеристикаси келтирилган.

Сурункали касалликларда нафас йўллари нинг яллиғланиш патогенезида организмнинг иммун реактивлиги ҳолати катта аҳамиятга эга. Нафас олиш йўллари нинг яллиғланиши цитокинлар ва бошқа иммунокомпетент хужайралар ёрдамида амалга ошириладиган БА, ЎСОКнинг асосий патогенетик боғланишларидан биридир. Шу муносабат билан биз касалликни кўзиш даврида бўлган БА, ЎСОК ва уларнинг комбинацияси билан бўлган беморлар қонида ва ЧНКда яллиғланишга хос (TNF- $\alpha$ , IL-8) ва яллиғланишга қарши (IL-4) цитокинлар ва иммуноглобулин (IgE) кўрсаткичларини ўргандик (жадвал 2).

Интерлейкин - 4 (IL-4) ни ўрганишда бироз бошқача манзара аниқланди. БА ва БА+ЎСОК билан оғриган беморларда қонда ҳам, ЧНКда ҳам ЎСОК билан бўлган беморлардан фарқли ўлароқ ( $P < 0,001$ ) статистик жиҳатдан юқори маълумотлар аниқланди. БА ва БА+ЎСОК билан оғриган беморларни таққослаганда коморбид патология билан бўлган беморларнинг қонида ва ЧНК яллиғланишга қарши интерлейкин-4 кўрсаткичи юқорилиги аниқланди



( $P < 0,001$ ). Шундай қилиб, ўткир босқичда коморбид патология билан бўлган беморлар, БА ва ЎСОК билан бўлган беморлардан фаркли ўларок, статистик жиҳатдан юқори кўрсаткичларга эга.


## Жадвал 2

БА, ЎСОК ва ЎСОК + БА нинг кўзиш босқичда бўлган беморлар қонида ва ЧНКда цитокинлар ва иммуноглобулин Е кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	БА (n=36)	ЎСОК (n=36)	БА+ЎСОК (n=32)	P <sub>1</sub>	P <sub>2</sub>	P <sub>3</sub>
Қонда IL-4 (пг/мл)	66,5±3,7	13,2±0,6	20,7±1,2	<0,001	<0,05	<0,001
IL-4 ЧНКда пг/мл	4,0±0,2	2,4±0,1	3,1±0,2	<0,001	<0,05	<0,001
Қонда IL-8 (пг/мл)	33,5±1,8	69±3,7	54,4±3,1	<0,001	<0,001	<0,01
IL-8 ЧНКда (пг/мл)	5,9±0,3	6,5±0,3	6,2±0,3	>0,2	>0,5	>0,5
Қонда TNF-а (пг/мл)	19,1±1,1	40,0±2,4	30,8±1,6	<0,001	<0,5	<0,001
TNF-а ЧНКда (пг/мл)	2,5±0,1	4,0±0,2	3,2±0,2	<0,001	<0,001	<0,01
Қонда умумий IgE (МЕ/мл)	285±17,3	97,2±5,8	207,5±11,5	<0,001	<0,001	<0,001

**Изоҳ:** P<sub>1</sub> - БА ва ЎСОК билан оғриган беморлар гуруҳлари ўртасидаги кўрсаткичлар фарқларининг ишончлилиги, P<sub>2</sub> - БА ва БА+ЎСОК билан бўлган беморлар гуруҳлари, ва P<sub>3</sub> - ЎСОК ва БА+ЎСОК билан бўлган беморлар гуруҳлари.


БА ва ЎСОК билан касалланган беморларда цитокинлар даражасини ўрганаётганда (5-расм) ўзгаришларнинг деярли бир томонлама табиати аниқланди. БА беморларида IL-4 ишлаб чиқариш даражаси қонда ҳам сезиларли даражада ошди - 69,1±4,1 пг/мл, ва чиқарилаётган нафас конденсатида - 4,0±0,2 пг/мл, ЎСОКда 31,5±1,8 пг/мл ва 2,5±0,1 пг/мл га нисбатан, унда сезиларли фарқлар аниқланди ( $P > 0,001$ ).



**Расм 5.** БА, ЎСОК ва БА+ЎСОК касалликларида ремиссия ҳолатида IL-4 ишлаб чиқариш даражаси.

БА + ЎСОК билан бўлган беморлар қон зардобадаги IL-4 нинг қийсий баҳолашда цитокин ишлаб чиқариш ( $69,1 \pm 4,1$  пг/мл) бўлиб, ЎСОК билан бўлган беморларда ( $31,5 \pm 1,8$  пг/мл) нисбатан статистик жиҳатдан юқори кўрсаткичлар ( $P < 0,001$ ) кузатилди.

IL-8 ишлаб чиқаришни ўрганаётганда, БА билан оғриган беморларда ЎСОК билан бўлган беморлар гуруҳига нисбатан статистик жиҳатдан муҳим фарқ ҳам қайд этилди (6-расм). IL-8 - фаоллашиши асосан токсик ва бактериал патогенларга жавобан гранулоцитлар, биринчи навбатда нейтрофиллар билан боғлиқ бўлган маҳсулот ҳисобланади.




**Расм 6.** БА, ЎСОК ва БА+ЎСОК касалликларида ремиссия ҳолатида IL-8 ишлаб чиқариш даражаси

Маълумки, IL-8 нейтрофиллар томонидан ишлаб чиқарилади ва ЎСОК билан касалланган беморларда уни ишлаб чиқаришнинг устунлиги нафас йўлларида нейтрофилли яллиғланишни сақлашга ёрдам беради. Ушбу хулоса ЎСОК ( $72,5 \pm 4,7$  пг/мл ва  $74,2 \pm 4,8$  пг/мл) ва БА+ЎСОК ( $52,2 \pm 2,5$  пг/мл и  $31,2 \pm 1,7$  пг/мл) билан касалланган беморлар гуруҳида қонда ва чиқарилаётган нафас конденсатида цитокин IL-8 ишлаб чиқариш даражасини таққослаш натижасида тасдиқланди ва бунда юқори даражадаги ишончли аҳамият аниқланди ( $P < 0,001$ ).

Шундай қилиб, IL-4, IL-8 касалликларнинг иммунопатогенезида муҳим аҳамиятга эга БА, ЎСОК ва уларнинг комбинацияси ривожланишида цитокин ишлаб чиқариши билан бир-биридан сезиларли фарқ қилади. БАда IL-4 цитокинлари устун бўлиб, иммунитетнинг Th2 турида қатнашади, бу нафас йўлларида аллергия (эозинофил) яллиғланишининг шаклланишига хосдир. ЎСОКда IL-8 цитокинлари даражаси ошади, уларнинг ажралиши юқумли агентлар (бактериялар, вируслар) ва токсинларнинг фаоллашуви таъсири остида содир бўлади.


Қонда TNF- $\alpha$  индексини ўрганиш натижасида БА билан бўлган беморлар орасида  $19,2 \pm 1,1$  пг/мл, ЎСОКдан фарқли ўлароқ ( $P < 0,001$ ) сезиларли даражада юқори кўрсаткичлар аниқланди (7-расм). ЎСОК ва БА+ЎСОК билан бўлган беморларнинг қондаги ( $P < 0,001$ ) ва ЧНКдаги

( $P < 0,01$ ) кўрсаткичлари таққослаганда коморбид кечиш билан бўлган беморларда статистик жиҳатдан юқори кўрсаткичлар аниқланди (3.3.2-жадвал). БА ва БА+ЎСОК билан бўлган беморлар қонидаги TNF- $\alpha$  коморбид патология билан бўлган беморлар кўрсаткичлари билан таққослаганда коморбид патология билан бўлган беморларда юқори бўлиб, мос равишда  $19,2 \pm 1,1$ ;  $31,2 \pm 1,7$  ( $P < 0,001$ ) тенг бўлди.



**Расм 7.** БА, ЎСОК ва БА+ЎСОК билан бўлган беморларда касалликнинг ремиссия босқичида TNF- $\alpha$  даражаси

Иммуноглобулин Е кўрсаткичларини 3 ла гуруҳда солиштириб кўрганда касалликнинг кўзиш босқичида бўлган БА билан беморлар қонида, ЎСОК ва БА+ЎСОК билан бўлган беморларга қараганда сезиларли даражада юқори эканлиги аниқланди, ЎСОК билан бўлган беморлар ва БА+ЎСОКда еса ўрганилган адабиёт манбаларига мос келадиган комбинациялашган патология билан бўлган беморлар орасида юқори кўрсаткичлар аниқланди ( $P < 0,001$ ) (8-расм).



**Расм 8.** БА, ЎСОК ва БА+ЎСОК билан бўлган беморларда касалликнинг ремиссия босқичида иммуноглобулин Е нинг даражаси

Шундай қилиб, юқорида айтиб ўтилган гуруҳлар (БА, ЎСОК, БА+ЎСОК) орасида иммунологик параметрларни ўрганиш жараёнида иммуноглобулин Е нинг сезиларли даражада кўпайиши аниқланди ва комбинацияланган патологияси бўлган беморларда ўсма некрози TNF- $\alpha$  даражаси устунлик қилди.

Диссертациясининг "БА, ЎСОК ва уларнинг биргаликда кечиши билан оғриган беморлар орасида эндотелий функциясининг кўрсаткичлари" деб номланган бешинчи кичик бобида БА, ЎСОК, БА + ЎСОК билан оғриган беморлар орасида NO<sub>2</sub>/NO<sub>3</sub> нисбати кўрсаткичлари ўрганилди. Биз тадқиқотда "амалда соғлом" деб ҳисобланган 20 кишидан олинган ушбу натижалар қийматларни норма сифатида қабул қилдик: қонда NO<sub>2</sub>/NO<sub>3</sub> –13,43-14,83 мкмоль/л ва ЧНҚда 5,2 -6,92 мкмоль/л нисбатга тенг.

